*2023 йил "02" Ноябрь даги*
*Техник топшириққа*
*ИЛОВА*

**Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 33-уй манзилидаги ТТЖ ҳудудида қуриладиган 6 қаватли 400 ўринга мўлжалланган ётоқхона биносини қурилишида техник назорат хизматини олиб бориш функциясини амалга ошириш бўйича**

# АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

| № | Асосий маълумотлар ва талаблар | Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Хизмат кўрсатиладиган манзил | Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани Зиёлилар кўчаси, 33-уй |
| 2 | Хизмат кўрсатишни амалга ошириш асослари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2021 йил-даги 563-сонли қарорига мувофиқ ДХШ асосида 2023-йил мобайнида 400 ўринлик 1 та ТТЖ биноси қурилишида техник назорат хизматини олиб бориш |
| 3 | Қурилиш тури | Янги қурилиш |
| 4 | Молиялаштириш манбаи | Ўз маблағлари ҳисобидан |
| 5 | Молиялаштириш | Шартномага асосан олдиндан 30% аванс тўлови |
| 6 | Хизмат кўрсатиш суммаси | 15 000 000 сўм, ҚҚС билан |
| 7 | Асосий иш ҳажмлари | Техник назорат хизмати ишларини амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:<br>- Бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларни (ер ажратиш, муҳандислик тармоқларига уланиш техник шартлари, архитектура-режалаштириш топшириғи, лойиҳалаштириш топшириғи) тайёрлашда иштирок этиш;<br>- қурилиш объектларини қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказишда иштирок этиш;<br>- тасдиқланган лойиҳа — смета ҳужжатларини, муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш, улардан фойдаланиш ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни пудрат ташкилотига топширилишини таъминлаш;<br>- пудратчи ташкилотларга электр узатиш ҳаво тармоқлари, алоқа тармоқлари зонасида, темир йўл учун ажратилган минтақада, қурилиш майдончасидаги ер ости ва усти коммуникациялари ўтган жойларда ишларни бажариш учун рухсатномаларни топшириш;<br>- пудратчи ташкилотларга қурилиш даврида қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ мавжуд электр энергияси манбаларидан, табиий газ, ичимлик сув, иссиқликдан фойдаланиш учун рухсатномалар топшириш;<br>- бош пудратчи ташкилотга дарахтларни ўтказиш, буташ ва кесиш учун рухсатномалар топшириш;<br>- қурилиш объектидаги қурилмалар ва мавжуд коммуникацияларни кўчиришга доир юридик ва техник ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва қурилиш |

| | | |
|---|---|---|
| | | ташкилотига топширишда иштирок этиш;<br>- қурилиши тугалланган объектлар бўйича зарур ҳужжатларни пудратчи ташкилот билан биргаликда умумлаштириш ва уларни давлат қабул комиссиясига тақдим этиш;<br>- қурилиши тугалланган объектлар бўйича барча ижро ҳужжатларини ўрнатилган тартибда фойдаланувчи ташкилотларга топширишни ташкил этиш. |
| 8 | Техник назорат ишларини амалга ошириш учун қўйиладиган талаблар | Ваколатли ташкилот ёки жисмоний шахс камида 7 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.<br>1. Банк ва солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (юридик ташкилот учун) *(охирги 2 кунлик)*<br>2. Худди шундай хизмат турларини бажараётганлиги ёки бажарганлиги тўғрисида маълумот ва шартномалар нусхаларини тақдим этиш зарур.<br>3. Ташкилотнинг мутахассис ходимлар рўйхати (юридик ташкилот учун)<br>6. Техник назорати ваколатли ташкилот (жисмоний шахс) *томонидан қурилиш ишлари* бутун даври давомида амалга оширилади.<br>7. Техник назорат ваколатли ташкилотда доимий фаолият олиб борувчи (ёки шартнома асосида жалб қилинган) ва ташкилот раҳбари буйруғи билан қурилиш объектига бириктирилади.<br>Техник назоратни олиб боришга дипломи бўйича шаҳарсозлик (қурилиш) фаолияти соҳасида олий маълумотли мутахассисликка эга бўлган ва камида етти йиллик иш тажрибасига эга бўлган мутахассис тайинланади. |

Молия-иқтисод ишлари
бўйича проректор Ш.Мирзиятов

Бош аудитор С.Суюнов

Бош муҳандис Р.Курбанов